

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ МАКОНИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ибрагимов Диёрбек Шухрат ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта ўқитувчиси, PhD.

Аннотация: *Ушбу мақолада прокуратура органлари томонидан болаларнинг соғлиғига, ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу соҳада айрим хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилиб, керакли таклиф ва тавсиялаш ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *бола ҳуқуқлари, зарарли ахборот, қонунбузилиши ҳолатлари, интернет тармоқлари.*

Abstract: *this article analyzes issues aimed at improving the activities of prosecutor's offices in protecting children from information harmful to their health and development. Also, the experience of some foreign countries in this field was studied, and the necessary proposals and recommendations were developed.*

Key words: *children's rights, harmful information, violations of the law, Internet networks.*

Қайд этиш лозимки, ҳозирда замонавий ахборот технологияларнинг, интернет тармоқлари, турли хил ижтимоий тармоқларнинг ривожланиб бораётган бир даврда болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш энг муҳим бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳаётда ривожланган ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишнинг авж олиб бораётганлиги ва бу орқали ижтимоий тармоқларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, маънавий ва маданий ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллардан уларни ҳимоя қилиш борасида прокуратура органларининг фаолиятини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2022 йил апрель ойидаги йигирма учинчи ялпи мажлисида ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқларда зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масаласи муҳокама этилган бўлиб, унда қайд этилишича, биргина 2021 йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра мамлакатимиз миллий домен ҳудудидаги 289 та веб-сайтда порнография, 91 та веб-сайтда эса беҳаёлик ва маънавий бузукликка тарғиб қилувчи ҳолатлар аниқланган бўлиб, 2 097 та қонун бузилиши ҳолати қайд этилган. Шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида маънавий бузукликни тарғиб қилувчи 130 га яқин гуруҳ, саҳифа ва

каналлар мавжудлиги аниқланган, уларда 2 646 та материал (фото, видео, матнли ва бошқалар) тарқатилган [1].

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 17-моддасида иштирокчи давлатлар боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилишнинг тегишли тамойилларини ишлаб чиқишни рағбатлантириши назарда тутилган бўлиб, бунинг амалий ифодаси сифатида 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонларини ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли идоралар белгилаб берилди. Шундай бўлса-да, прокуратура органларининг мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ижросининг аҳволини ўрганиш, ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш бўйича назорат йўналиши вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни тартибга солувчи идоравий норматив ҳужжатларда ўз аксини топмаган. Яъни, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлсада, мазкур соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш механизми мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларида бундай қилмишни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Жумладан, Россия Федерацияси, Козоғистон ҳамда Беларусь Республикаларида болаларни уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида Россия Федерацияси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 6.17-моддасида [2], Козоғистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг

156.1-моддасида болаларни уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бизнингча ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун

жавобгарликни белгилаш зарур. Бу, мазкур соҳада ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг мантиқий изчиллигининг давоми бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, юқоридаги таҳлил ҳамда маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда вояга етмаганларни интернет тармоғидаги зарарли маълумотлардан ҳимоя қилиш, уларни соғлом ва баркамол ривожланиши, интернет тармоқларидаги зарарли контентлар таъсири остида ҳуқуқбузарликлар содир этишларини олидини олиш мақсадида юқорида келтириб ўтилган хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибасини мамлакатимиз прокуратура органлари фаолиятига жорий этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг мазкур йўналишдаги соҳавий буйруғида вояга етмаганларнинг соғлиғи зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни доимий равишда амалга ошириш прокуратура органларининг асосий назорат йўналиши сифатида белгиланиши лозим.

Зеро, прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда қонунчилик ижросининг ўрганилиши, текширишларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ягона ҳисоботлар порталининг (“П” шаклдаги) вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат жадвалида ҳам ўз аксини топмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 228-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомда бошқарманинг асосий вазифаларидан бири сифатида вояга етмаганларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назоратни белгилаш лозим.

Бу борада, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, жумладан, Россия Федерациясида прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишни тартибга солувчи энг асосий ҳуқуқий асоси Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Федерация Бош прокурорининг 13.12.2021 йилдаги “Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги 744-сонли буйруғи ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, мазкур соҳада прокурор назоратини ташкил этишда вояга етмаганлар билан боғлиқ бўлган деярли барча муносабатлар қамраб олинган бўлиб, буни болаларнинг соғлиғи, мавқеи, ахлоқий ва маънавий ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратда кўришимиз

мумкин. Хусусан, Россия Федерацияси Бош прокуратурасининг 13.12.2021 йилдаги 744-сонли “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғига кўра болаларнинг соғлиги ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш, бундай маълумотлардан фойдаланишни белгиланган тартибда чеклаш ва унинг тарқалишида айбдор бўлган шахсларни қонуний жавобгарликка тортиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади [3]. Бу борада, О.С.Капинуснинг таъкидлашича, “Татаристон Республикаси прокуратурасининг ташаббуси билан “Интернетда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш” махсус тизими яратилган ва жорий этилган бўлиб, у реал вақт режимида таъқиқланган контентга эга бўлган интернет саҳифаларни автоматик аниқлайди ва уларни блоклаш учун Роскомнадзорга юборди ёъинки керак бўлса, судга юбориш учун ҳужжатларни шакллантириш имконини беради. Тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у нафақат экстремизм, балки, ғиёҳванд моддалар, болаларни ўз жонига қасд қилиш, қимор ўйинлари, болалар порнографияси каби таъқиқланган ўн тўрт тоифадаги маълумотларни аниқлайди [4].

Умумий айтганда, мамлакатимизнинг эртанги куни ҳисобланадиган болаларни, ёшларни турли хил зарарли ахборот маконидан ҳимоя қилиш нафақат прокуратура органларининг, балки ҳар бир масъул давлат идоралари ва мансабдор шахсларининг ҳам асосий вазифаси саналмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Электрон манба: <https://senat.uz/uz/lists/view/3963>
2. "Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях" от 30.12.2001 N 195-ФЗ (ред. от 14.07.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.09.2022) Электрон манба: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661/6cf7fd56ba2f8ca36e55ef067ade386bc0d080f6/
3. Приказ Генпрокуратуры России от 13.12.2021 № 744 "Об организации прокурорского надзора за исполнением законодательства о несовершеннолетних, соблюдением их прав и законных интересов"// Электрон манба: <https://legalacts.ru/doc/prikaz-genprokuratury-rossii-ot-13122021-n-744-ob-organizatsii/>
4. Капинус О.С. Цифровизация деятельности органов прокуратуры: настоящее и будущее // Вестник университета прокуратуры Российской Федерации. №4 (66) 2018. – С.7